

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
ФАН ДАСТУРИ**

Барча таълим йўналишлари учун

Қарши – 2022

| | | | | |
|------------------------------------|--|--|---------------------------------------|-----------------------------------|
| Фан/модуль коди UYTB104 | Ўқув йили 2022-2023 | Семестр 1/2 | Кредитлар 4 | |
| Фан/модуль тури Мажбурий | Таълим тили Ўзбек ва рус | | Хафтадаги дарс соатлари 4 | |
| 1. | Фаннинг номи | Аудитория Машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| | Ўзбекистон тарихи | 60 | 60 | 120 |
| 2. | <p>I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишининг мақсади - ёш авлод онгига инсоният учун энг муҳим бўлган маънавиятни шакллантириш ҳамда янада юксалтириш, миллий тарих, миллий ғурур ва ифтихор манбаи ҳисобланишини ёш авлод онгига сингдириш, уларда тарихий хотира, тарихий тафаккур кўникмасини тарбиялаш миллий ғоя ва юксак маънавий дунёсини бойитиш, уларни ўз ҳалқи ва Ватанига садоқат, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчиси бўлиш руҳида фикрлаш ва яшашга ўргатишдан иборат.</p> <p>Фанни ўқитишининг вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ватанимиз худудларида энг қадимги даврлардан бошлаб бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни холисона ҳамда манбаларга таянган ҳолда таҳлил қилиш, ўрганиш, уларнинг сабаблари ва моҳиятини очиб бериш; - Ёшларимизда ўзликни англаш, ватанпарварлик, тарихий қадриятларга хурмат, бой тарихимизни қадрлаш фазилатларини шакллантириш; - тарихнинг турли даврларида мамлакат иқтисодий ва маданий равнақи учун фидойилик қилган давлат арбоблари, улуғ саркардалар, илм-фан ҳамда маданият намояндлари, миллий қаҳрамонлар фаолиятини холисона баҳолаш асосида ёшларимизни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш; - тарихий хотира асосида ёшларимизни “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” ғояси руҳида тарбиялаш; - ҳозирги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва жуда кўплаб бўлаётган замонавий ўзгаришлар моҳиятини, ҳуқукий-демократик жамият қуриш йўлидаги янгиликларни, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятга интеграциялашуви жараёнларини ёшларга етказиш. <p>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)</p> <p>II.I. Фан таркибига қўйидаги мавзулар киради:</p> <p>1-мавзу. Кириш. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, уни ўрганишининг назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамияти</p> <p>Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва тадқиқот объекти, назарий методологик тамойиллари. Ўзбекистон тарихининг жаҳон ҳалқлари тарихи билан узвий боғлиқлиги. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов асарларида бу масалаларнинг ёритилиши.</p> <p>Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгор-ликлар маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар эканлиги. Ҳар томонлама етук,</p> | | | |

маънавий баркамол, онгида миллий ғоя ва Ватан равнақи мафкураси устунлик қиладиган, юксак маънавиятли комил инсонларни тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни. Ватан тарихини даврлашириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев XXI аср баркамол авлоди, маънавий етук шахсни тарбиялашда тарих фанининг ўрни ва сабоқлари хусусида.

2-мавзу. Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажralmas қисми

Цивилизация тушунчаси. Ўзбекистон қадимги цивилизация ва маданият бешиги.

Инсоннинг пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар ва назариялар. Антропогенез жараёни. Инсониятнинг дастлабки аждодлари, уларнинг маконлари. Ватанимиз одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалардан бири эканлиги. Қадимги одамларнинг турмуш тарзи, машғулотлари.

Ибтидоий жамият, уни даврлашириш ва бу борадаги янгича ёндашувлар. Палеолит (қадимги тош) даври. Мезолит (ўрта тош) даври. Неолит (янги тош) даври. Энеолит даври. Бронза даври, унинг ёдгорликлари: Намозгоҳ, Олтинтепа, Сополлитепа, Тозабоғёб, Амиробод, Чуст маданиятлари. Ватанимиз худудларида ўтрок деҳқончиликнинг ривожланиши. Патриархал ота уруғи муносабатларининг юзага келиши.

Зардуштийлик таълимоти, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни. “Авесто”. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”. “Авесто”нинг инсоннинг маънавий ҳаётини шакллантиришдаги ўрни.

3-мавзу. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари

Давлатчилик тушунчаси. Давлат тузилмаларининг шаклланиш шартшароитлари ва омиллари. Ўлкамиз худудларида дастлабки давлатларнинг ташкил топиши. Илк давлатчилик шакллари хусусидаги мунозаралар.

Қадимги Хоразм давлати. Хоразм ҳақидаги ёзма ва археологик маълумотлар, худудий чегаралари масалалари. “Катта Хоразм”. Қадимги Бактрия давлати. Ёзма ва археологик маълумотлар. Бақтрияниг худудий чегаралари. Суғд (Суғдиёна) ва унинг худуди.

Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши. Маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши озодлик учун кураши. Тўмарис, Широқ қаҳрамонлиги. Фрада кўзғолони. Юнон-македон қўшинларининг Александр Македонский бошчилигига Ўрта Осиёга юриши. Спитамен бошчилигидаги ҳаракатлар.

Қанғ давлатининг ташкил топиши. Юечжи қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши. Кушонлар (гуйшуван) сулоласининг сиёсий ҳокимиятни эгаллаши. Кушонлар томонидан минтақадаги сиёсий уюшмаларнинг бирлаширилиши.

Қадимий ёзув маданияти. Оромий ёзуви. Бақтрия, Хоразм, Суғд ёзувларининг Оромий ёзуви таркибидан ажралиб чиқиши. Юнон-Бахтар ёзув.

Буюк ипак йўлининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. «Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», «Ғарбий меридионал йўл».

4-мавзу. Ўзбек халқининг этник шаклланиши

Ўзбек халқи этногенези ва унинг тарихшунослиги. Уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат тушунчалари. Ўзбек халқининг этник шаклланиши ва унинг асосий босқичлари. Турон туркий қавмлар қадимдан яшаган худуд эканлиги.

Мил.ав. I минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиё худудларидаги этник ва

ижтимоий ҳолат. Аҳоли ўртасидаги этник ва маданий муносабатлар. Милодий I минг йиллик ўртасида бу жараённинг янада жонланиши. Турк-суғд симбиози. IX-XII асрларда қарлуқлар, ўғузлар, қипчоқлар, чигиллар ва бошқа туркий қавмларнинг ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни.

XV аср охири - XVI асрларда Ўрта Осиёга Даشت Қипчоқ қабилаларининг кириб келиши ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқлашуви. “Ўзбек” атамаси.

Совет даврида Ўрта Осиёда “миллий давлат чегараланиши”нинг ўтказилиши, Туркистон ўлкасининг этник ва худудий жиҳатдан парчаланиб кетиши. Минтақада Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг ташкил топиши.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик давридаги этник ҳолати ва бу соҳадаги ўзгаришлар. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик.

5-мавзу. Илк ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт

Хионийлар ва кидарийлар. Ўрта Осиё ҳудудларига кўчманчи қабилаларнинг юришлари. Эрон сосонийлари билан ўзаро муносабатлар.

Эфталийлар. Ўрта Осиёда эфталийлар давлатининг шаклланиши, унинг худудий чегараси. Эфталийлар ва Эрон сосонийлари. Шарқий Эрон ва Шимолий Ҳиндистоннинг эфталийлар давлатига қўшиб олиниши. Эфталийлар даврида ижтимоий-иктисодий ҳаёт

Турк хоқонлигининг вужудга келиши. Бумин хоқон. Истами Ябғу хоқон. Хоқонлик аҳолисининг этник таркиби ва тили. Турк хоқонлиги томонидан Ўрта Осиё ва Уралолди ҳудудларининг забт этилиши. Турк хоқонлиги даврида мамлакат бошқарув усули.

Араб халифалиги. Халифалар томонидан амалга оширилган истилочилик юришлари. Мовароуннахрнинг Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшини томонидан истило қилиниши.

Араб халифалигидаги ички сулолавий курашнинг ўлкамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири. Абу Муслим бошчилигидаги ҳаракат. Мустамлака зулмининг янада кучайиши. Ғурак ва Деваштич. Ҳалқ ғаләёнлари. Муқанна қўзғолони ва унинг тарихий аҳамияти. Араб халифалигининг заифлашуви.

Ислом динининг ёйилиши. Масжидлар қурилиши. Куръони-карим – муқаддас китоб.. Ҳадислар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Ислом дини таълимотини ривожлантиришда Ўрта Осиёлик олимларининг ҳиссаси.

6-мавзу. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш даври. Фан ва маданиятнинг юксак равнақи Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди – Ватан ҳимоячиси

IX аср бошларида Мовароуннахрнинг сиёсий аҳволи. Маҳаллий зодагонлар мавқеининг ўсиши. Тоҳирийлар давлати. Ижтимоий-иктисодий ҳаёт. Тоҳирийлар билан саффорийлар ўртасидаги кураш.

Сомонийлар сулоласи. Исмоил Сомоний. Ижтимоий-иктисодий ҳаёт. Давлатни бошқариш тартиби.

Ғазнавийлар давлати. Сабуктагин ва Маҳмуд Ғазнавий даврида давлатнинг кучайиши. Ғазнавийлар билан салжуқийлар ўртасидаги тўқнашув. Салжуқийлар давлати. Ижтимоий-иктисодий аҳвол. Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. Мұҳаммад Хоразмшоҳ. Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлатининг ўрта аср Шарқида

тутган ўрни. Давлат бошқаруви. «Уйғониш даври. Унинг мазмун ва моҳияти. IX-XII асрлар Ўрта Осиёда маданий юксалишни таъминлаган омиллар ва шартшароитлар. IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик. IX-XII асрларда меъморчилик ва санъат. IX-XII асрларда меъморчилик ва санъат.

Чингизхон (Темучин)нинг мўғулларни бирлаштириб, кучли давлат тузиши. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари. Темур Малик жасорати. Бухоро ва Самарқанднинг босиб олиниши. Нажмиддин Кубро жасорати. Хоразмшоҳ қўшинларининг мағлубияти, унинг сабаблари. Жалолиддин Мангуберди-Ватан химоячиси. Чигатой улусининг ташкил топиши. Бошқарув тартиби.

7-мавзу. Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темур Мовароуннаҳр сиёсий кураш майдонида.

Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши. Самарқанд – Амир Темур давлатининг пойтахти. Амир Темурнинг мамлакатни бирлаштириш ва марказлашган кучли давлат тузишдаги тарихий хизмати.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари. Амир Темур - буюк давлат арбоби, машҳур саркарда. Унинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти таҳлили. “Куч -адолатда” шиорининг мазмун-моҳияти. Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида тутган ўрни.

Давлат сиёсатида ислом динининг роли. Салтанатни бошқариш тизими. Қўшиннинг тузилиши ва ҳарбий интизом. Солиқ сиёсати. “Темур тузуклари” – давлат бошқарув ишидаги муҳим манба сифатида. Мамлакатни бошқаришнинг суюргол усули.

Амир Темур вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасида тожу-тахт учун ички курашлар. Марказлашган давлатнинг парчаланиши. Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида темурийлар салтанати.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги. Ички ва ташқи сиёсат. Мирзо Улуғбек даврида маданият, илм-фан ва адабиёт равнақи.

8-мавзу. Ўзбекистон худудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари

Тарихий ёзма манбалар. Муҳаммад Шайбонийхон юриши. Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг шайбонийлар томонидан босиб олиниши ва шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳрга ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Шайбонийлар сулоласининг бошқарув тизими. Шайбонийлар даврида маданий ҳаёт.

Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Абдуллахон II. Унинг мамлакатни марказлаштиришга кўрсатилган ҳаракатлари Ободонлаштириш, мадраса, мачит, янги иморатлар, суғориш иншоатларини қуриш ишлари.

Бухоро хонлигига аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи.

Маданий ҳаёт ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Бухоро хонлигига ҳокимиятнинг манғит амирлари кўлига ўтиши. Манғитлар даврида Бухоро амирлигининг ижтимоий ва давлат тузуми. Бухоро амирлигига маданий ҳаёт.

Хива хонлигининг ташкил топиши. Шайбонийларнинг Хивадаги ҳукмронлиги. Элбарсхон, Абулғозихон, Анушохон. Кўнғирот сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. Муҳаммад Раҳимхон даврида хонлик чегараларининг кенгайтирилиши. Ижтимоий-иқтисодий, маданий ахвол.

XVIII асрда Фарғона водийсидаги сиёсий вазият. Ўзбекларнинг минг уруғидан

бўлган Шохруҳбий томонидан Кўқон хонлигига асос солиниши. Хонликнинг худуди ва аҳолиси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти. Кўқон хонлигига маданий ҳаёт.

9-мавзу. Ўзбек хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракати. Жадидчилик

Мавзу тарихшунослиги. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари. Ўрта Осиё масаласида Англия билан Россия ўртасидаги рақобат.

Россия империяси қўшинларининг Кўқон хонлиги худудларига хужуми. Оқмачит, Сўзак, Авлиёота (Жамбул), Туркистон, Чимкент шаҳарларининг забт этилиши. Тошкент мудофааси, унинг босиб олиниши. Жиззах, Ўратепа учун жанглар. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши.

Кауфманнинг Хива хонлигига босқинчилик юриши. Кўқон хонлигига сиёсий танглик. Халқ қўзғолонлари. Россия империяси томонидан Кўқон хонлигининг босиб олиниши ва хонликнинг тутатилиши. Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.

Россия аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати. Маҳаллий аҳолининг унумдор ерлардан сиқиб чиқарилиши. Мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган маданий ва маърифий сиёсат. Рус-тузем мактаблари. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги чор Россияси зулми остида.

Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши миллий озод-лик ҳаракатининг бошланиши, унинг босқичлари. Фарғона водийсидаги халқ ҳаракатлари. Тошкент қўзғолони. Андижон қўзғолони ва б.

Жадидлар ҳаракатининг юзага келиши. Унинг атоқли вакиллари. Биринчи жаҳон урушининг ўлка ҳаётига салбий таъсири. Россия империяси маҳаллий аҳолини фронт орқасидаги ишларга сафарбар этиш сиёсати. Мехнаткаш аҳоли норозилигининг кучайиши. 1916 йилги халқ қўзғолони ва унинг характери.

10-мавзу. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат. Совет давлатида маъмурий буйруқбозлик тузумининг кучайиши ва инқирози даврида Ўзбекистон (1946-1991 й.)

Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби ва унинг Туркистонга таъсири. Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Фарғона водийсида совет ҳокимиятияга қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари.

20-йилларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият. Ер-сув ислоҳотлари. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши. Сиёсий қатоғонлар.

Иккинчи жаҳон уруши. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши. Ўзбекистон жангчиларининг фронтда кўрсатган жасоратлари.

XX асрнинг 50-60 йилларда жанубий Ўзбекистонда ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш тизимидағи мавжуд муаммолар ҳамда аҳолининг ижтимоий турмуш шароити ва уни яхшилашининг асосий йўналишлари.

80-йилларнинг ўрталарида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётдаги инқироз. «Қайта қуриш» ва унинг чекланганлиги. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши». Оммавий қатоғонлар. Фарғона фожеаси.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасига биринчи котиби этиб сайланиши. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзгаришлар. 1991 йил август воқеалари. СССРнинг таназзулга юз тутиши.

11-мавзу. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши

Мустақиллик арафасида республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Ўзликни англашга интилишнинг кучайиши. Сиёсий тизимдаги ўзгаришлар. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Мустақилликнинг илк даврида давлат суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги сабий-харакатлар. 1991 йил 29 декабрдаги референдум ва умумхалқ томонидан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини маъқулланиши. И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши.

12-мавзу. Демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши

Сиёсий ислоҳотлар. Давлат ҳокимиятининг миллий, хуқуқий, демократик асосларининг барпо этилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари. Кўп partiyaийлик тизимида асос солиниши. Ўзбекистон парламенти. Икки палатали парламент. Вазирлар Маҳкамаси, унинг ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим бўғини сифатидаги ўрни. Халқ хўжалиги тизими бошқарувидаги ислоҳотлар.

Суд ҳокимияти ислоҳотлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари. Миллатлараро тинчлик ва тутувликнинг таъминланиши. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Инсон хақ-хуқуқлари.

13-мавзу. Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти

Тараққиётнинг «Ўзбек модели». Иқтисодий ислоҳотлар. Давлат мулкини хусусийлаштириш механизмининг яратилиши. Кўп укладли иқтисодиёт. Тадбиркорликнинг ривожланиши. Бозор инфратузилмаси шаклланиши. Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар. Аграр ислоҳотлар. Иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши. Кучли ижтимоий сиёsat.

Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт. Маънавий қадриятларнинг тикланиши. Диний қадриятлар ва ислом маънавиятининг тикланиши. Миллий гояни аҳоли онгига сингдириш зарурати. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳrirда қабул қилиниши (11 йиллик мактабларнинг тикланиши. Янги типдаги касб-хунар мактабларининг, коллеж ва техникумларнинг ташкил этилиши). Олий таълим соҳасида қабул қилинган қонунлар ва уларда белгиланган вазифалар. Олий таълимда таълим квоталарининг оширилиши. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши: ютуқлар ва камчиликлар. Ўзбекистонда илм-фанинг ривожланиши. Маданият ва санъат. Жисмоний тарбия ва спорт. Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиёти.

14-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви

Тинчликсевар мустақил ташқи сиёsat асосларининг ишлаб чиқилиши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши. БМТ, EXXТга аъзо бўлиши ва улар билан кўп томонлама ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши. Шанхай

ҳамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон. Ўзбекистон ва МДҲ. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг европа иттифоқи мамлакатлари билан истиқболли ҳамкорликлари. Ташқи сиёсий фаолият концепцияси. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия, АҚШ, Хитой мамлакатларининг ўрни. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида олиб берган сиёсати.

Марказий Осиёда хавфсизлик масалалари. Халқаро терроризм, гиёхвандлик ва одам савдосига қарши курашда Ўзбекистон Республикасининг фаоллиги. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

15-мавзу. Янгиланаётган Ўзбекистон: миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, ҳаётга жорий этилиши ва унинг аҳамияти. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган устувор йўналишлар:

- Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;
- Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари;
- Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар;

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамоили илгари сурилган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамоилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;
- миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар:

1. Марказий Осиё – инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири.
2. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.
3. Ўзбек халқининг этник шаклланиши.
4. IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш (ренессанс) даври: фан ва маданият равнақи.

5. Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш.
6. Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги.
7. Ўзбекистон худудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.
8. Чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати. Миллий озодлик кураши. Жадидчилик.
9. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши куролли ҳаракат.
10. Совет давлатида маъмурӣ буйруқбозлик тузумининг кучайиши ва инқирози даврида Ўзбекистон (1946-1991 йй.)
11. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши
12. Мустақил Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни
13. Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий тараққиёти
14. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви
15. Янгиланаётган Ўзбекистон: миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.

Изоҳ: Ишчи фан дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машғулот турига ажратилган соат ҳажмига мос ишлар танлаб бажарилади.

V. Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари

Мустақил таълимдан кўзланган мақсад ва вазифалар - бу талабаларда мустақил билим олиш кўнималарини шакллантиришдан иборат.

Мустақил таълим семинар машғулотларига тайёргарлик қўришдан ташқари фан дастурида кўрсатилмаган, аммо фан бўйича талабанинг билим доирасини кенгайтирувчи қўшимча мавзулар доирасида берилган топширикларни бажаришни ўз ичига олади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридаги тарих фанини ривожлантириш борасидаги концептуал ғояларнинг аҳамияти.
2. “Авесто” - тарихий манба сифатида.
3. Ўзбекистонда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш бочқичлари.
4. Туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ҳозирги замон.
5. Имом Ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-Саҳиҳ» асари – Ислом динининг муҳим тарихий манбаси.
6. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги.
7. Ўрта Осиёда уйғониш (ренессанс) даври (IX-XII асрлар).
8. Ўрта Осиёлик алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси.
9. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” – давлат бошқаруви тўғрисидаги муҳим манба сифатида.
10. Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият.
11. Жалолиддин Мангубердининг Ватан ҳимояси йўлидаги жасорати.
12. Бухоро, Хива ва Кўқон хонликларида ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаёт.
13. Туркистон жадидлари илгари сурган ғоялар, маърифий қарашлар ва уларнинг мазмун-моҳияти.
14. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг аянчли оқибатлари.
15. Ўзбекистонда 40-йиллар охири - 50-йиллар бошидаги қатағонлар.

16. Ўзбекистонда 50-80 йилларда иқтисодий ва маънавий ҳаёт, турғунлик ҳолатлари ва унинг сабаблари.
17. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фаизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси.
18. Ўзбекистонда 50-70 йилларда пахта яккаҳокимлигининг кучайиши ва экологик муаммоларнинг келиб чиқиши.
19. Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-хуқук соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг аҳамияти.
20. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти (ўзгариш ва муаммолар).
21. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бешта ташаббуси ва унинг маънавий маданиятни таъминлашдаги ўрни.
23. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдаги аҳамияти.
24. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги амалий ишлар ва бу соҳада истиқболдаги вазифалар.
25. Конун устуворлигини таъминлаш, суд-хуқук соҳасини ислоҳ қилиш.
26. Қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасидаги ўзгаришлар.
27. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатининг яратилиши.
28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги вакил (омбудсман) институти ва унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни.
29. Миллий хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар.
30. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги роли.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)

3.

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

Ўзбекистон тарихи ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

- фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамиятини, Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг ажralmas қисми эканлигини, ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини билиши керак;
- ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, халқимизни дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақида билиши керак;
- Ўзбекистон тарихининг асосий даврлари ва тараққиётининг тадрижий босқичлари тўғрисида, уларнинг узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеалар ворисийлиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши лозим;
- мустамлакачилик ва қарамлик даврида Ўзбекистоннинг турли соҳалари ривожланишига қарши сиёsat ва уларнинг аянчли оқибатлари, турли даврларда истилочиларга ва мустабид тузумга қарши озодлик йўлидаги курашлар ҳамда ватанпарвалик жасоратлари ҳақида билиши, Ватанимизнинг ривожи йўлида фаол иштирок этиш кўнинмаларига эга бўлиши керак;
- аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси тўғрисида чукур билимга эга бўлиши, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти билан

| | |
|----|--|
| | <p>фаҳрланиш ҳис-туйғусига эга бўлиши зарур;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши, янгиланиш ва модернизация жараёнлари ҳақида тўлақонли билимга эга бўлиши керак; • Ватанимиз тарихи бўйича ўз тарихий тафаккурини бойитиб бориш ва тарихий ҳақиқат тамоиллари асосида тарихий воқеалар ва жараёнларни таҳлил қила билиши лозим; • Аждодларимиз ибратли ҳаёти ва фаолияти билан фаҳрланиш ва ватанпарварликни намоён эта олиш кўнинмаларига эга бўлиши; • Тарихий воқеа ва ҳодисалар натижаларини қиёсий таққослаш орқали улардан хулосалар чиқара олиши; • Ўзбекистон тарихида кечган жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, хулоса чиқара олиши ва ўзининг жамият тарракқиётида тутган ўрнини англаш кўнинма ва малакаларига эга бўлиши лозим. |
| 4. | <p>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Маъruzalар; • Интерфаол кейс-стадилар; • Семинарлар (мантиқий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар); • Гурухларда ишлаш; • Тақдимотларни қилиш; • Индивидуал лойигалар. |
| 5. | <p>VII. Кредитларни олиш учун талаблар: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топширикларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p> |
| 6. | <p>Раҳбарий адабиётлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 6. Каримов И.А. Инсон унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 9. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат |

қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

Асосий адабиётлар:

10. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
11. Усмолов К. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2007.
12. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: Академия, 2010.
13. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. 1 жилд. Энг қадимги даврдан XIX аср ўргатаригача. Дарслик. -Т.: Янги аср авлоди, 2014.
14. Ўзбекистон тарихи. 11 жилд. Муаллифлар жамоаси. Т.: Янги аср авлоди, 2015.
15. Эргашева Ю.А., Васиева Д.И. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. –Карши,: Интеллект, 2022.
16. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент.: маънавият, 2017.
17. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Муаллифлар жамоаси. Ю.Эргашеванинг умумий таҳрири остида. Қарши, Интеллект, 2022.
18. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Ю.Эргашеванинг умумий таҳрири остида. Қарши, “Ворис-нашриёт”, 2020

Қўшимча адабиётлар:

19. Бобоҷонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. -Т.: Шарқ, 1999
20. Обломуродов Н., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2011.
21. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.
22. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.
23. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000.
24. Муртазаева Р.Х., Дорошенко Т. И и др. История Узбекистана. Электронный учебник для вузов. – Ташкент, 2010.
25. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Ўқув қўлланма –Т., Университет, 2007.
26. Саъдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма –Т.: Университет, 2004.
27. Саъдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Ўқув қўлланма –Т.: Академия, 2000.
28. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари тарихи. Ўқув қўлланма.- Тошкент, 2006.
29. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. Дарслик. –Т., Fan va texnologiya, 2008.
30. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Ўқув қўлланма.- Тошкент, Маърифат. 2009.
13. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. – Тошкент, 2000.
14. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Тошкент: Маънавият, 2011.
15. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. М. Абдуллаев ва бошқалар: тўлдирилган учинчи нашри. – Тошкент: Шарқ, 2006.

16. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Масъул мұхаррир А. Сабиров. – Тошкент: Академия, 2013.
17. Новейшая история Узбекистана. Руководитель проекта и редактор: М. А. Рахимов. –Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.
18. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Фан, 1993.
19. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. -Т.: Фан, 1968.
20. Асқаров А. Энг қадимий шаҳар. -Т.: Маънавият, 2001.
21. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: Шарқ, 2000.
22. Абулғозий. Шажарайи турк. -Т.: Чўлпон, 1992.
23. “Авесто”. “Яшт” китоби. Ўзбек тилига М. Исҳоқов илмий-изоҳли таржималари. -Т.: Шарқ, 2001.
24. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том. 1, 2. – Т.: Узбекистан, 2008, 2009.
25. Аъзамхўжаев С. Туркистан мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.
26. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. -Т.: Нур, 1992.
27. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). - Т.: Фан, 1996.
28. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: Мерос, 1992.
29. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999.
30. Зиёев X. Туркистанда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998.
31. Зиёев X. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи - Т., Шарқ, 2001.
32. Иброҳимов А. Биз ким ўзбеклар -Т.: Шарқ, 2000.
33. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
34. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: Чўлпон, 1994.
35. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. -Т.: Шарқ, 2009.
36. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. –Т.: Фан, 1996.
37. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1993.
38. Муртазаева Р.Х. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. Т.: Узбекистан, 2010.
39. Насимхон Р. Турк хоқонлиги. –Т.: Мерос, 1993.
40. Низомул мулк. Сиёсатнома. –Т.: Адолат,1997.
41. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
42. Темур тузуклари. -Т.: Ғафур Ғулом, 1991.
43. Темур ва Улуғбек даври тарихи. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
44. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. – Т.: Молия, 2003.
45. тафсилотлари. –Т.: Ёзувчи, 1999.
46. Эшов Б.Ж. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. Тошкент, Zar qalam, 2004.
47. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида). –Т., Zar qalam, 2005. 7, 75.
48. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). –Т., Abu matbuot-konsalt, 2009. 10,23 б.т.
49. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1-12. –Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2000-2006.

| | |
|----|--|
| | Axborot manbaalari: 1. www.ziyonet.uz . 2. www.edu.uz . 3. www.google.uz . 4. www.gov.uz . |
| 7. | Мазкур намунавий дастур Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти Илмий Кенгашининг 2022 йил 28 июндаги №-11 сон мажлис баёни билан намунавий дастур сифатида маъқулланган. |
| 8. | Тузувчиilar: Эргашева Ю.А. - тарих фанлари доктори, профессор Васиева Д.И. - тарих фанлари номзоди, доцент |
| 9. | Такризчилар: Эшов Б.Ж. - тарих фанлари доктори, профессор Темирова Ч.Х.. - тарих фанлари номзоди, доцент |

